

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН:

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯҚИН ҚЎШНИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Душанбе, 9 март. ЎЗА махсус мухбири Абу Бакр ЎРОЗОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9 март куни давлат ташрифи билан Душанбега келди.

Душанбе халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.

Ўзбекистон билан Тожикистонни умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб туради. Икки халқ азалдан бир дарёдан сув ичган, қариндошлик ришталари билан боғланган. Бизни икки тилда гаплашувчи бир халқ дейишади. Азалий қўшнилик ва ўзаро ҳурмат анъаналари икки давлат ўртасидаги муносабатларда мустақкам асос бўлиб хизмат қилапти.

Сўнги вақтларда ўзаро алоқаларда улкан ўзгаришлар кузатилаётганда. 2016 йилнинг сентябридан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тожикистон раҳбари ўртасида тўрт марта учрашув, самимий ва муҳим телефон мулоқотлари ўтказилди. Президентлар ўзаро алоқаларни икки қардош халқ манфаатларидан келиб чиқиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлида биргаликда ишлашга тайёр эканини бир неча маротаба қайд этди.

Жорий йилнинг 10-11 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Душанбе шаҳрида бўлиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда давлатлараро чегараларни делимитация қилиш бўйича Ҳукуматлараро комиссия мажлисида иштирок этди. Утган йили мамлакатла-

римиз пойтахтлари ўртасидаги авиаташувлар, темир йўл қатнови қайта тикланди. Самарқанд – Панжикент оралигида А-377 халқаро автомобиль йўли очилди. Ўзбекистон – Тожикистон давлат чегарасида ўтказиш пунктлари ўз ишини тиклади.

2017 йилда Тошкент ва Душанбе шаҳарларида ишбилармон доиралар ўртасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, савдо битимлари ва шартномаларни тузишга асос бўлган миллий кўргазмалар ва бизнес-форумлар ташкил этилди. Икки мамлакат ўртасида автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатнови йўналишлари қайта тикланди. Апрель ойида Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиакатнов йўлга қўйилди. 2017 йилда Тожикистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси маданияти кунлари ва Ўзбекистон Республикасида Тожикистон Республикаси маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Юртимизда тожик миллатига мансуб қарийб 1,5 миллион фуқаро истиқомат қилади. Мамлакатимизнинг 10 ҳудудида тожик миллий маданият марказлари фаолият олиб бормоқда. Самарқанд, Термиз, Фарғона давлат университетларида тожик тилида машғулотлар олиб борилади.

Ташрифнинг асосий воқеалари Душанбе шаҳридаги Миллат қасрида

бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросимида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Президентлар – Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон шохсўпага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат махфиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг якка-якка учрашуви бўлиб ўтди. Дўстона ва конструктив руҳда ўтган суҳбатда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатилаётган ўсиш суръатини мамнуният билан қайд этди.

Тожикистон Республикаси Президентини Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган мамлакат салоҳиятини мустақкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва давлатнинг халқаро нуфузини мустақкамлашга қаратилган ишларга юқори баҳо берди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўзаро шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустақкамлаш бўйича қатъий азму шижоат намойиш этмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар кўлами кенгайиб, конструктив сиёсий мулоқот ўрнатилмаётди. Олий даражадаги алоқаларни янада кенгайтириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида 2000 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномада икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Томонлар халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорликни изчил давом эттириб келмоқда.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига жавоб берадиган, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашда асосий омил бўладиган даражага кўтарилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасида давлат ташрифи юртдошларимизнинг кайфиятини кўтариб, ёшу кексага байрамона руҳ бағишлади.

ДЎСТЛИК БАҲОРИНИНГ ТОЗА НАФАСИ

Ўзбекистон – Тожикистон ўртасидаги яқин қўшнилик муносабатлари, икки давлат орасидаги шериклик ва ўзаро манфаатли мулоқотлар янги мазмун билан бойиб бормоқда. Давлат чегараларидан ўтиш тартиб-таомилнинг соддалаштирилиши, борди-келди муносабатларининг қайта тикланиши икки давлат фуқароларига, хусусан, чегара ҳудудларида яшаётган аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Яна бир жиҳат, икки мамлакат пойтахтида ташкил этилган кўргазма-ярмаркалар савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашиши, товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошишига туртки бўлди.

– Тожикистон ва МДҲ мамлакатлари бозорига Ўзбекистоннинг рақобатбардор маҳсулотларини тарғиб этиш учун Душанбега кўргазма-ярмаркага борган эдик, – дейди тадбиркор Мурод Мақсудов. – У ерда 160 та ишлаб чиқариш субъекти томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик, озиқ-овқат, тери-чарм, электротехника, ўқув-лаборатория ускуналари, қурилиш материаллари, турли идиш ва ичимлик маҳсулотлари намойиш этилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси, енгил ва юк автомобиллари, йўловчи автобуслар, турли тракторлар иштирокчиларнинг ҳавасини келтирди. Утган давр мобайнида 1500 турдаги маҳсулотимиз харидорини топди. Бугунги кунда уларга талаб ва буюртмалар охири бормоқда.

Ҳамкорлик мевасини қўша савдо уйлари ва замонавий sanoat корхоналари ташкил этилаётганида ҳам қўришимиз мумкин. Яқиндагина қўшни давлатнинг юртимизда ташкил этилган “Ғаюр Хоқан Цемент” тижорат уйи бунга бир мисол. Товар айирбошлаш ҳажмининг 2016 йилга нисбатан ўтган йилда 20,2 фоиз ошгани савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашаётганидан далолат.

Маданий-гуманитар ва ҳудудлараро, sanoat, қишлоқ ва сув хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ўз натижасини намойиш этмоқда.

Душанбе ва Тошкент шаҳарларида икки мамлакатнинг маданият ва санъат кунлари юқори савияда ўтди. Журналист дўстимиз Тожибой Икромовнинг таъкидлашича, тадбирлар доирасида қўшни-қўшничилик, қариндош-уруғчиликда асрлар оша тинч-тотув яшаб келаётган икки халқ дийдорлашди. Бир хил мусиқа асбобларидан дилкаш бир оҳанг янграб, ўнлаб умумий, яккахоҳ, дуэт рақсларда таниш ва қалбимизга яқин дастурлар кўз олдимизда намойиш бўлди. Бундай тадбирларда икки халқнинг умумий тарихи ва маънавий-маданий қадриятлари уйғунлиги яққол билинди.

Навоий номли Катта театрда очилган Тожикистон маданият ва санъат кунлари кўз ўнгимизда. Томошабинлар билан лиммо-лим залда дўстлик мадҳияси янграпти. Тадбир иштирокчилари бир-бирини қай даражада соғиниб қолганликларини, айна дамда, дилдан ҳис этляпти.

Машҳур “Зебо” рақс ансамблининг бадиий раҳбари, таниқли раққоса ва балетмейстер Зебо Аминзода шундай деди:

– Мен ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини тожикчага ўғирган шoir Муҳиддин Аминзоданинг қизиман. Тошкент хореография билим юртида – Муқаррамхоним, Қундузхоним, Галияхоним каби ўзбек рақс зийнатлари мактабиде таълим олдим. Тожик миллий ва замонавий рақс санъатини дунё сахналарига олиб чиқишим Малика Аҳмедова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жабборовва, Гулчеҳра Фозилжонова, Маъмура Эргашева сингари ўзбек рақс маликалари билан ҳамкорлигим самараси, деб биламан.

Адабий жараёндаги узлишлар ҳам тикланаяпти. Матбуот саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар диққатга сазовор. “Янги аср авлоди” нашриёти яқинда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини тожик тилида нашрдан чиқарди. “Ўзбекистон” ва “Машҳур-Пресс” нашриётлари ўзбек шоирларининг китобларини тожик тилида адабиёт ихлосмандларига тақдим этди. Самарқанд шаҳрида ҳам бир қатор ўзбек шоирларининг тожикчага таржима қилинган шеърлари алоҳида китоб ҳолида нашрга тайёрланмоқда.

Тожикистон Ёзувчилар уюмиси нашри “Садои Шарқ” махсус сонини ўзбек адабиётига бағишлади. “Шарқ юлдузи” журналида Мирзо Турсунзода, Мўмин Қаноат, Лойиқ Шерали, Фарзона, Низом Қосим каби таниқли тожик шоирларининг шеърлари ўзбек тилида босилди.

Айни кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонда давлат ташрифи, олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Муҳаммаджон ШОДИЕВ,
журналист.

Муносабат

«Аёлларимизнинг бахти – халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир»

Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқини ўқиб...

Атоқли шоира Зулфия Мўминованинг шундай сатрлари бор: Аёлга бахт беринг, саодат беринг...

Давлатимиз раҳбарининг нутқини ўқир эканман, ушбу мисралар бот-бот хаёлимга келаверди. Зеро, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ишхотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди. Уларнинг бахти ва саодатли бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Хусусан, ўтган бир йил давомида халқимиз билан, айниқса, хотин-қизлар билан мулоқот олиб бориш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Энг аввало, Президентимизнинг ўзлари жойларда мулоқотлар давомида аёлларнинг муаммоларини ўрганди. Уларга амалий кўмак беришга, ҳар бир муаммони чуқур ёндашув асосида ҳал қилишга киришди. Давлат муассасалари вакиллари-нинг қишлоқ ва шаҳарларда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий мухитни ўрганиши, бу борадаги муаммоларни ҳал этиши бўйича самарали тизим яратилди.

Келинг, буни Хоразм вилоятида олиб борилаётган ишлар мисолида айтиб ўтайлик. Вилоятда фаолият олиб бораётган “Оила” марказига ўтган йили 587 нафар аёлдан мурожаат тушган эди. Бугунги кунга уларнинг аксарияти ўз ижобий ечимини топди. Вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёлларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича махсус курслар ташкил этилди. Уларда 100 нафар хотин-қиз ўқитилди. Шунингдек, қўллаб-қувватлаш билан банд бўлмаган аёллар томорқа деҳқончилиги бўйича Хонқа тажрибасини ўрганишди. Тижорат банклари томонидан 5569 нафар тадбиркор аёлга 112 миллиард 580 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Иш билан банд бўлмаган 7 минг нафар аёлдан 5 минг нафардан ортнчи ишга жойлаштирилди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган таълимий асосида ижтимоий химояга муҳтож, ногирон, кам таъминланган аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётга бўлган ишончини ошириш мақсадида 57 нафар аёлга тикув машиналари ажратилди. Ушбу ишлар бу йил изчил давом эттирилиб, йил бошидан буён 61 нафар кам таъминланган аёлга уйда касаначилик билан шуғулланиши учун тикув машиналари берилди.

(Давоми 2-саҳифада)



20 КИШИГА ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Термизда Президентимизнинг фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 20 кишига фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаб, фуқароларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш юзасидан кўрсатилган гамхўрликлар кўп миллатли халқимизнинг аҳил ва иноқ турмуш кечиршида муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Бундай юксак фазилатлар узоқ йиллардан буён мамлакатимизда яшаб, юртимиз раванқига ўз ҳиссасини қўшаётган, бироқ фуқаролиги бўлмаган

инсонларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилаётганида ҳам ўз ифодасини топаётди.

Дилфуза Шерхонова уч ёшигача Тожикистон Республикасида яшаган. 25 йилдан буён Термиз шаҳридаги Темирйўлчи маҳалласида истиқомат қилади. Темир йўл тармоғида ишлаётган Д.Шерхонова ўзининг самарали меҳнати билан ҳамкасблари ҳурмати-ни қозонган. Мамлакатимизда кенг нишонланган 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини Дилфуза учун бир умр ёдда қоладиган қўшалоқ байрамга айланди.

У Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниб, Конституциямизда белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш шарафига муяссар бўлди.

– Фуқаролигим бўлмагани мен учун армон эди. Бугун қувончим чексиз, – дейди Д.Шерхонова. – Оруз-армоним ушалиб, Ўзбекистон Республикаси паспортига эга бўлдим. Жонажон Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлдим. Бу ишонч менни фидойилик билан меҳнат қилиб, юртимиз тараққиётига янада кўпроқ ҳисса қўшишга ундайди. Турмуш ўртоғим билан бир ўғилни тарбиялаб, камолга етказмоқдамиз. Уни ҳам Ватанга муносиб, юртга содиқ фарзанд этиб улғайтиришга ваъда бераман. Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Холмўмин МАМАТАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

